

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У Қ М

2019 йил сентябрь ойининг 17 кунда жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман суди Сариосиё тумани халқ қабулхонаси биносида, очик сайёр суд мажлисида, судья А.Қ.Мирзаевнинг раислигида, А.Салимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Сариосиё туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Ачилов, судланувчи У.Муродов ва унинг ҳимоячиси “Сурхон Мезони” адвокатлик фирмаси адвокати А.Жабборова, жабрланувчи Ш.Рахимовнинг иштирокида, У.Муродовга нисбатан 1-1911-1901/32-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,

Муродов Умар Ражаб ўғли (Murodov Umar Rajab o`g`li), 1959 йил 22 июн куни Сариосиё туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, судланмаган, депутатликка сайланмаган, уйланмаган, Сариосиё туманидаги “Алижон Файз Омад” фермер хўжалиги раҳбари бўлиб ишлайди, Тожикистон давлат молия ва иқтисод институти 1-босқич сиртки бўлим талабаси, Сариосиё тумани, “Тортули” маҳалласида яшайди, жиноят иши бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 31 август куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

У.Муродов, 2019 йил 27 июнь куни соат 02⁰⁰ ларда Сариосиё тумани «Тортули» маҳалласидаги “Алижон-Файз-Омад” фермер хўжалиги ёнидаги кўчада, маҳалладоши Ш.Рахимов билан ўзаро тортишиб, жанжаллашиб, жанжал вақтида дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган тош билан Ш.Рахимовни бош соҳасига бир маротаба уриб, унга оғир тан жароҳати етказган.

Судланувчи У.Муродов суд муҳокамасида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам Сариосиё туманидаги “Алижон-Файз-Омад” фермер хўжалиги раҳбари бўлиб 2017 йилдан буён ишлаб келаётганлигини, 2019 йил 26 июнь куни соат тахминан 23³⁰ларда фермер хўжалигининг пахта дала майдонига сув қуйиб, яшаш уйига қайтиб келиб, яшаш уйига кирмоқчи бўлганида маҳалладошлари Ш.Рахимов ва А.Нормуродов биргаликда унинг қўшнисини Н.Авазовнинг яшаш уйининг деворидан ошиб, ташқарига чиқиб асфальт кўчага чиқиб, югуриб кетишганлигини, уларнинг орқасидан нима

мақсадда кўшнисининг яшаш уйига кириб чиққанлигини сўраш учун изидан борганида, “Спарк” русумли рақамсиз автомашинанинг ичига ҳайдовчи ўриндиғига Ш.Рахимов, олд ён ўриндиқда Б.Исматуллоев, орқа ўриндиққа А.Нормуродов ўтирганини кўрганлигини, улардан нима мақсадда кўшниси Н.Авазовнинг яшаш уйига кирганлигини сўраганида Ш.Рахимов унга ўзини иши борлиги учун кириб чиққанини айтганлигини, ундан “Сувни йўналишини ўзгартирмадингми” деб сўраганида Ш.Рахимов унга сувни йўналишини ўзгартирмаганини айтганлигини, шундан сўнг у яшаш уйига қайтиб кетиб, уйининг ичидан ўтган ариқни кўрганида фермер хўжалиги учун йўналтирилган сувни, йўналишини ўзгартириб, Ш.Рахимов ўзи томонга очганини билганлигини, сўнг ўзининг қўл телефонида Ш.Рахимовнинг телефонига кўнғироқ қилиб, уни алдаганлигини, сувни йўналишини ўзи томонга йўналтирганини айтиб, келишини ва сувни йўналишини пахтага ўзгартириб беришини, кўшниси Н.Авазовнинг яшаш уйига кечаси кирмаслигини, бошқалар нотўғри тушунишини айтганлигини, шунда Ш.Рахимов ҳозир бораман деб айтиб, бироздан сўнг Спарк русумли автомашинада ўртоқлари А.Нормуродов ва Б.Исматуллоев билан биргаликда келишганлигини, Ш.Рахимовга нима сабабдан сувни ўзи томонга очганини сўраганида, Ш.Рахимов унга сувдан фойдаланиш учун шартномаси борлигини шунинг учун сувни ўзи томонга очганини айтганлигини, Ш.Рахимовга “Шартномангни кўрсат, кейин сувни очиб олайвер” деб айтганлигини, кейин у ҳам автомашинага миниб, шартномани кўриш учун биргаликда Ш.Рахимовнинг яшаш уйи ёнидаги дўконига боришганлигини, у автомашинадан тушмасимдан Ш.Рахимов уни тўғри келган жойига қўллари билан урганлигини, шунда уни боши айланганлигини, кейин уни А.Нормуродов автомашинани бошқариб, уни яшаш уйига олиб бориб қўйганлигини, у ўзига тегишли бўлган қўл телефонида Ш.Рахимовнинг акаси Ж.Рахмоновга телефон қилиб бўлган ҳолатни тушунтирганлигини, Ж.Рахмонов уни уйи ёнидаги дўкон олдида келишини сўраганлиги учун пиёда дўконни олдида борганлигини, Ж.Рахмонов укаси Ш.Рахимовни телефон орқали чақиртириб, уларни яраштириб қўйганлигини, соат тахминан кечаси 02⁰⁰ларда пахта даласида қўл телефонини ёритгичини ёқиб, ариқ бўйлаб кетаётган вақтида йўлда уни узоқроқдан А.Нормуродов чақирганлигини, уларни олдида борганида А.Нормуродов, Б.Исматуллоев ва Ш.Рахимовни турганини кўрганлигини, Ш.Рахимов унга “Сен бир тарсаки есанг ҳам хотинга ўхшаб терпилалик қиладиган бўлиб қолдингми” деб айтиб, уни қўли билан уриб кетганлигини, у ерга йиқилиб, тўрт оёқ бўлиб қочаётганида қўлимга тош илинганлигини, шу тошни Ш.Рахимов томон отганлигини ва ўзи қочиб кетганлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, қилган иши учун Ш.Рахимовдан кечирим сўрашлигини, ҳозирда Ш.Рахимов билан ярашиб кетганлигини, уни оилавий аҳволини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Ш.Рахимов судда 2019 йил 26 июнь куни соат тахминан 22³⁰ларда Сариосиё тумани “Тортули” маҳалласида далага эккан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига сув қуйиш мақсадида синфдошлари А.Нормуродов

ва Б.Исматуллаев билан биргаликда ўзига тегишли бўлган “Спарк” русумли автомашинаси билан шу маҳаллада яшовчи Т.Авазовни уйини олдига бориб, Т.Авазовни яшаш уйига кириб, сувни йўналишини ўзини экини экилган дала томонга ўзгартирганлигини, шундан сўнг автомашинага ўтириб дала томонга кетмоқчи бўлган вақтида Кобалт русумли автомашинада У.Муродов келиб тўхтаганлигини, у автомашинадан тушиб, ундан қанча сув олганини сўраганлигини, унга “50 қаторга яраша сув олганман, 1 соатларда бўламан, кейин келиб, сен томонга хамма сувни ҳайдайман” деб айтганлигини, кейин у ўртоқлари А.Нормуродов ва Б.Исматуллаев билан биргаликда далага боришганлигини, орадан ярим соатлар вақт ўтгандан сўнг У.Муродов унинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, уйини олдига келишини сўраганлигини, у А.Нормуродов ва Б.Исматуллаев билан биргаликда У.Муродовни уйини олдига боришганлигини, У.Муродов унга “Сувни кўп очган экансан” деб айтганлигини, унга “Бир соатга бўлиб, кейин сувни сен томонга очаман” деб бир неча марта айтишига қарамасдан У.Муродов унга қараб “Сенга сув бермайман” деб уни кўпол сўзлар билан ҳақорат қилиб, ундан ерни ҳужжатларини сўраганлигини, у У.Муродовга ерни ҳужжатлари борлигини, дўконга борса кўрсатишини айтганлигини, кейин у, А.Нормуродов, Б.Исматуллаев ва У.Муродов автомашинага ўтириб, унга тегишли бўлган дўкон томонга кетаётган вақтида У.Муродов ўртоғи А.Нормуродовга “Сувни сен очгансан” деб у билан тортишганлигини, улар дўконни олдига бориб, У.Муродовни автомашинадан тушириб юзига қўли билан икки тарсаки урганлигини, шунда У.Муродов унга “Сувни ҳаммасини олавер, мени уйимга олиб бориб қўй” деб айтганлигини, у автомашинани калитини ўртоғи А.Нормуродовга бериб, У.Муродовни уйига олиб бориб қўйишни айтганлигини, ўзи эса ўртоғи Б.Исматуллаев билан биргаликда далага мош экини экилган жойга пиёда кетишганлигини, орадан 20 дақиқа ўтиб А.Нормуродов ҳам уларни олдига етиб келганлигини, далада бўлган вақтларида унинг қўл телефонига У.Муродов ўзининг қўл телефонида бир неча марта телефон қилганлигини, кўтарганимда У.Муродов уни ўзининг яшаш уйига келишини сўраганлигини, унга жавоб бермасдан телефонни ўчирганлигини, кейин А.Нормуродов билан биргаликда кетмон, бел олиб келиш учун яшаш уйига бораётган вақтида акаси Ж.Рахмоновни кўриб қолганлигини, акаси Ж.Рахмонов унга дўконни олдига биргаликда боришни, У.Муродов ҳам дўконни олдига келаётганини, нима ҳолат бўлганлигини тушунтириб беришини сўраганлигини, акаси Ж.Рахмоновга бўлган воқеани айтиб берганлигини, кейин дўконни олдига боришганлигини, у ерда У.Муродовдан кечирим сўраганлигини, акаси Ж.Рахмонов уни ва У.Муродовни яраштириб қўйганлигини, сўнг А.Нормуродов билан кетмон белни олиб далага сув қуйгани пиёда кетишганлигини, далага бориб сув қўйиб бўлиб, соат тахминан 02⁰⁰ларда қайтиб келаётган вақтларида унинг қарама-қарши томонидан У.Муродов фанар ёқиб келганлигини, у фанарни ёқиб кўзга тутиб келаётганлиги сабабли юзи кўринмаганлигини, У.Муродов уларни олдига келиб, А.Нормуродовни ёнидан ўтиб, унинг кўзига фанар тутиб бошига каттиқ жисм билан бир марта урганлигини, боши ёрилганлигини, У.Муродов

уни яна урмоқчи бўлганида А.Нормуродов унга ёпишиб, ушлаб олганлигини, сўнг ўртоғи Б.Исматуллаев уни яшаш уйи томон олиб келганлигини, А.Нормуродов ҳам уларга етиб олганлигини, шу вақт унинг ўнг қўли ишламай қолганлигини, А.Нормуродов уни Сариосиё тумани тез тиббий ёрдам бўлимига олиб борганлигини, тез тиббий ёрдам ходимлари уни қабул қилиб олиб, унга тез тиббий ёрдам кўрсатишиб, бошидан оқаётган қонни тўхтатишганлигини, ҳозирда У.Муродов ундан кечирим сўраб, унга етказилган зарарларни тўлаганлигини, шу сабабли У.Муродовга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Нормуродов суд мажлисида ҳақиқатдан ҳам 2019 йил 26 июнь куни соат тахминан 22³⁰ларда синфдоши Ш.Рахимовни илтимосига кўра далага экилган қишлоқ хўжалиги махсулотларига сув қуйиш мақсадида Б.Исматуллаев билан биргаликда, Ш.Рахимовни олдига боришиб, сувни йўналишини далага экилган экин томонга ўзгартиришганлигини, кейин автомашинага ўтириб дала томонга кетмоқчи бўлган вақтларида У.Муродов келиб, Ш.Рахимовдан қанча сув олганини сўраганлигини, Ш.Рахимов унга 50 агатга яраша сув олганини, бир соатларда қўйиб бўлишини айтганлигини, кейин у, Ш.Рахимов ва Б.Исматуллаев биргаликда далага боришганлигини, орадан ярим соатлар вақт ўтгандан сўнг У.Муродов Ш.Рахимовга қўнғирок қилганлигини, у, Ш.Рахимов ва Б.Исматуллаев биргаликда У.Муродовни уйини олдига боришганлигини, У.Муродов Ш.Рахимовга сувни кўп очганини айтганлигини, Ш.Рахимов У.Муродовга бир неча маротаба “Бир соатга бўлиб, кейин сувни сен томонга очаман” деб айтишига қарамасдан У.Муродов Ш.Рахимовга сув бермаслигини айтиб, уни кўпол сўзлар билан ҳақорат қилганлигини, М.Мелибоев Ш.Рахимовдан ерни ҳужжатларини сўраганлигини, Ш.Рахимов У.Муродовга ерни ҳужжатлари борлигини, дўконга борса кўрсатишини айтганлигини, кейин улар барчаси автомашинага ўтириб, Ш.Рахимовга тегишли бўлган дўконни олдига боришганлигини, Ш.Рахимов шу ерда У.Муродовни автомашинадан тушириб юзига қўли билан икки тарсаки урганлигини, шунда У.Муродов Ш.Рахимовга “Сувни ҳаммасини олавер, мени уйимга олиб бориб қўй” деб айтганлигини, кейин у Ш.Рахимовни автомашинасини калитини олиб, У.Муродовни уйига олиб бориб ташлаб, далага Ш.Рахимов ва Б.Исматуллоевни олдига келганлигини, далада бўлган вақтларида Ш.Рахимовни қўл телефонига У.Муродов қўнғирок қилганлигини, Ш.Рахимов телефонга жавоб бермасдан телефонни ўчирганлигини, кейин Ш.Рахимов у билан бирга кетмон, бел олиб келиш учун унинг яшаш уйига бораётган вақтларида Ж.Рахмоновни кўришганлигини, Ж.Рахмонов укаси Ш.Рахимовга дўконни олдига биргаликда боришни, У.Муродов ҳам дўконни олдига келаётганини, нима ҳолат бўлганлигини тушунтириб беришини сўраганлигини, Ш.Рахимов акаси Ж.Рахмоновга бўлган воқеани айтиб берганлигини, кейин дўконни олдига боришганлигини, у ерда Ш.Рахимов У.Муродовдан кечирим сўраганлигини, Ж.Рахмонов дўконни олдида Ш.Рахимов ва У.Муродовни яраштириб қўйганлигини, сўнг у ва Ш.Рахимов унинг уйдан кетмон, белни олиб далага сув қуйгани пиёда кетишганлигини, далага бориб сув қўйиб бўлиб, соат тахминан 02⁰⁰ларда

кайтиб келаётган вақтларида уларнинг қарама-қарши томонидан У.Муродов фанар ёқиб келганлигини, У.Муродов уларни олдига келиб, уни ёнидан ўтиб, Ш.Рахимовнинг кўзига фанар тутиб, бошига қаттиқ жисм билан урганлигини, У.Муродов Ш.Рахимовни яна урмоқчи бўлганида у У.Муродовга ёпишиб, ушлаб олганлигини, ўртоғи Б.Исматуллаев эса Ш.Рахимовни яшаш уйи томон олиб кетганлигини, кейин у ҳам уларни изидан етиб олганлигини, шу вақт Ш.Рахимов кўли ишламай қолганини уларга айтганида, у Ш.Рахимовни Сариосиё тумани тез тиббий ёрдам бўлимига олиб борганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Б.Исматуллоев судда гувоҳ А.Нормуродовнинг кўрсатуви каби кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи У.Муродов ва адвокат А.Жабборова, жабрланувчи Ш.Рахимовнинг фикрини тинглаб, У.Муродовнинг айби ўзининг айбига иқрорлик кўрсатмаси, дастлабки олинган тушунтириш хатлари, суд-тиббий экспертиза хулосаси, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан У.Муродовнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган, чунки у содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий касалга чалинишига ёки умуман соғлиги бузилиб, умумий меҳнат қобилятининг ўттиз уч фоиздан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига сабаб бўлган жиноятни қасддан содир қилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишнинг олдини олиш учун зарур ва етарли бўлган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги”, ушбу Кодекснинг 8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги”, ушбу Қарорнинг 3-бандида, “ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги”, 5-бандида эса “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган

ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи У.Муродов нинг жиноий ҳаракатларини муҳокама қилиб, унинг айбига иқрорлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, жабрланувчидан кечирим сўраб, у билан ярашганлигини, жабрланувчини даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб баҳолайди.

Суд, судланувчи У.Муродовга нисбатан жазо тайинлашда, унинг шахсини, илгари судланмаганлигини, қилмиш унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киришини, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сариосиё туман Кенгаши томонидан судланувчи У.Муродовга жазо тайинлашда енгиллик бериш тўғрисидаги илтимосномасини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини эътиборга олиб, юқоридаги Қонун ва Пленум қароридаги тушунтиришларга риоя қилиб, шунингдек унинг айбига иқрорлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, оилавий аҳволини инобатга олиб, судланувчи У.Муродовни жамиятдан ажратмаган ҳолда ҳам ахлоқан тузатиш мумкин деган фикрга келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд, иш юзасидан хулоса қилишлик билан бирга жабрланувчини даъвоси йўқлигини эътироф этишликни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Муродов Умар Ражаб ўғли (Murodov Umar Rajab o`g`li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Муродов Умар Ражаб ўғлига ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо ушбу турдаги жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати ҳукм ижрога қаратилиб, иш ҳақидан белгиланган фоиз суммаси давлат даромадига ушланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш Сариосиё туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Муродов Умар Ражаб ўғлига нисбатан танланган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Иш бўйича жабрланувчининг даъвоси йўқлиги эътироф этилсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини қўлга олган кундан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман суди орқали жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят, ҳукм қонуний кучга киргач, кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

А.Қ.Мирзаев

Аслига тўғри: